

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12Tib.02.04
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРГАШЕВА МАДИНА НАРИМАНОВНА

ҲАЁТНИНГ БИРИНЧИ ЙИЛИДАГИ БОЛАЛАРДА ТИЗИМЛИ
ЯЛЛИҒЛАНИШ РЕАКЦИЯСИ КЕЧИШИНING КЛИНИК-ЛАБОРАТОР
МЕЗОНЛАРИ

14.00.09 - Педиатрия

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

АНДИЖОН – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Эргашева Мадина Наримановна

Ҳаётнинг биринчи йилидаги болаларда

тизимли яллиғланиш реакцияси

кечишининг клиник-лаборатор мезонлари 3

Эргашева Мадина Наримановна

Клинико-лабораторные критерии течения

системного воспалительного ответа

у детей первого года жизни 30

Ergasheva Madina Narimanovna

Clinical and laboratory criteria for the

course of the systemic inflammatory

response in children of the first year of life 54

.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 61

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12Tib.02.04
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРГАШЕВА МАДИНА НАРИМАНОВНА

ҲАЁТНИНГ БИРИНЧИ ЙИЛИДАГИ БОЛАЛАРДА ТИЗИМЛИ
ЯЛЛИҒЛАНИШ РЕАКЦИЯСИ КЕЧИШИНИНГ КЛИНИК-ЛАБОРАТОР
МЕЗОНЛАРИ

14.00.09 - Педиатрия

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

АНДИЖОН – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Tib3786 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алиева Нигора Рустамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдужабарова Зулфия
Муратходжаевна тиббиёт фанлари доктори, доцент

Хакимов Шаробиддин Каримович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12Tib.02.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «___» _____соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю. Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50; e-mail: info@adti.uz, Андижон давлат тиббиёт институти).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50.

Диссертация автореферати 2026 йил «___» _____ кун тарқатилди.

(2026йил «___» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

А. Ш. Арзикулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ш. О. Тошбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

О. А. Якубова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми ҳозирги замонавий тиббиётнинг энг долзарб ва мураккаб муаммоларидан бири ҳисобланиб, юқори ўлим кўрсаткичлари билан кечувчи патологик ҳолатлар қаторига киради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунё миқёсида ҳар йили тахминан 11 миллионга яқин бемор тизимли яллиғланиш реакцияси билан боғлиқ асоратлар туфайли вафот этади, бу эса глобал ўлим ҳолатларининг қарийб 20%ини ташкил этади¹. Бу муаммо турли мутахассис шифокорларнинг яқин ва мувофиқлашган ҳамкорлигини талаб қилади. Тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми эрта ташхислаш ва унинг ривожланишини прогноз қилиш учун лаборатор тестларни танлашда иммун тизимининг ҳолатини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилади. Шу муносабат билан тизимли яллиғланиш реакцияси синдромининг клиник-патогенетик хусусиятларини ўрганиш ҳамда бундай беморларни юритиш усулларини такомиллаштириш назарий ва амалий аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Жаҳон миқёсида иммун тизими функцияларининг бузилиши септик жараённинг ривожланиши, эндотоксикознинг ифодаланиш даражаси, касаллик оғирлиги ва эҳтимолий оқибатларни ўрганишга қаратилган тадқиқотлар фаол олиб борилмоқда. Микроб контаминациясининг юқори даражасида ёки инфекция кўзғатувчиларининг айрим ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлганида қон оқимига цитокинларнинг патологик равишда кўп миқдорда чиқарилиши ҳаёт учун хавfli ҳолатга олиб келиши мумкин. Энг оғир ва нохуш оқибат цитокинларнинг қон айланиш тизимига кўрсатадиган зарарловчи таъсири ҳисобланади. Бу ҳолат тромбозлар ривожланиши, микроциркулятор томирлар ўтказувчанлигининг кескин ошиши, натижада айланувчи қон ҳажмининг камайиши, артериал босимнинг пасайиши ва охир-оқибат тўқималар перфузиясининг чуқур бузилиши билан ифодаланади. Протеолитик ферментларнинг фаоллашуви, бундан ташқари, диссемирланган томир ичи синдром ривожланишига ҳамда тўқималарда некротик ўзгаришлар пайдо бўлишига олиб келади. Натижада полиорган етишмовчилик ва шок ривожланиб, улар ўлим билан якунланиши мумкин.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми эрта ташхислаш, клиник-лаборатор кечишини ўрганиш ва асоратлар ривожланишини прогноз қилишни ҳисобга олган ҳолда индивидуал

¹ WHO. SIRS. 6 August 2025. <https://www.who.int/news/item>

мослашишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада “Ўзбекистон-2030” тўғрисида стратегиясининг устувор йўналиши сифатида «...оналар ва болалар ўлимини қисқартириш, соғлом болаликни таъминлаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, тизимли яллиғланиш реакцияси синдромининг асоратлар ривожланиш хусусиятларини ўрганиш, уларнинг олдини олиш ва ушбу касалликни эрта аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш устувор йўналиш бўлиб қолмоқда.

Ушбу диссертация тадқиқотида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги №ПФ-5590 сонли «Ўзбекистон Республикаси саломатликни сақлаш тизимини барқарор такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2022 йил 28 январдаги №ПФ-60 сонли «Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси 2022–2026 йилларга» ҳамда 2022 йил 25 апрелдаги №ПҚ-216 сонли «2022–2026 йилларда она ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишига хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Ҳаётнинг биринчи йилидаги болаларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми масаласи замонавий неонатология ва педиатрияда энг долзарб ва кенг муҳокама қилинадиган муаммолардан бири ҳисобланади. Яллиғланиш реакцияларининг патогенезини тушуниш бўйича изланишлар мавжуд бўлса-да, ҳаётнинг биринчи йилидаги болаларда тизимли яллиғланиш реакциясининг ўзига хос хусусиятлари ҳанузгача тўлиқ ўрганилмаган. Бу эса асосан ёшга боғлиқ иммун реактивлиги, метаболизмнинг хусусиятлари ва организмнинг компенсатор имкониятларидаги фарқлари билан боғлиқдир (Wynn J.L., Wong H.R., 2010). . Илмий адабиётларда интерлейкинлар (IL-6, IL-8), ўсма некрози омили (TNF- α), C-реактив оқсил ва прокальцитонин каби биомаркерларнинг диагностик ва прогностик аҳамияти ҳақида турли маълумотлар келтирилган (Ng P.C., Lam H.S., 2012; Shane A.L. et al., 2017). Бироқ ушбу кўрсаткичларнинг эрта ёшдаги болалар организмидаги ўзгариш динамикаси ва уларнинг клиник аҳамияти тўлиқ аниқланмаган (Hotoura E. et al., 2012). Айрим тадқиқотларда ҳаётнинг биринчи йилидаги болаларда иммун тизимининг функционал етук эмаслиги сабабли тизимли яллиғланиш жараёнлари

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 11-сентябрдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон-2030» стратегияси тўғрисидаги Фармони

тез суръатда оғир кечиши таъкидланган (Levy O., 2007). Шу билан бирга, сепсис ва полиорган етишмовчилиги ривожланиш хавфини эрта баҳолаш мезонлари ҳозиргача ягона ёндашувга эга эмас (Goldstein B. et al., 2005). Мавжуд диагностик алгоритмлар асосан катта ёшдаги беморлар учун ишлаб чиқилган бўлиб, уларни гўдаклик даврига тўлиқ татбиқ этиш чекланган ҳисобланади (Singer M. et al., 2016). Тадқиқотларда интенсив терапия усуллари, антибактериал даволаш ва иммунокорригирловчи терапиянинг самарадорлиги ўрганилган бўлса-да, ҳаётнинг биринчи йилидаги болаларда индивидуал патогенетик ёндашувларни ишлаб чиқиш масаласи етарли даражада ёритилмаган (Weiss S.L. et al., 2020).

Жахонда, сўнгги ўн йилликда тадқиқотчиларнинг эътибори катталарда тизимли яллиғланиш реакцияси синдромини ташхислаш мезонларини ишлаб чиқишга қаратилди, бу эса халқаро классификациялар ва шкалаларнинг яратилишига олиб келди (Singer M. ва ҳамк., 2016; Shankar-Hari M. ва ҳамк., 2017). Бироқ, ушбу мезонлар ҳаётнинг биринчи йилидаги болаларга тўлиқ мос келмайди, чунки уларда гемопозез, иммун ва эндокрин регуляция тизимларининг физиологик хусусиятлари сезиларли даражада фарқ қилади. Биринчи йиллик болаларда яллиғланиш реакцияси яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши механизмларининг мувозанатсизлиги, фагоцитларнинг паст фаоллиги, цитокинлар синтезининг чекланганлиги ҳамда Т ва В ҳужайрали иммун реактивлигининг пасайиши билан характерланади (Levy O., 2017). Бундай болаларда клиник кўриниш кўпинча атипик бўлиб, иситма бўлмаслиги мумкин, гемодинамик бузилишлар тез ривожланади ва лаборатор кўрсаткичлар катталар ва каттароқ ёшдаги болаларга нисбатан бошқа чегара қийматларига эга бўлади (Wynn J.L., 2016).

МДХ мамлакатлари томонидан сўнгги йилларда ёш болаларда тизимли яллиғланиш реакциясини эрта аниқлашга қаратилган кўплаб тадқиқотлар нашр этилди. Ушбу тадқиқотларда С-реактив оқсил (СРО), прокалцитонин, интерлейкинлар (IL-6, IL-8, IL-10), ўсма некрози омили α (TNF- α) ҳамда ҳужайра иммунитетини кўрсаткичлари ва қондаги нейтрофил ва лимфоцит фракцияларининг нисбати ўрганилмоқда (Шидловская Е.И., ва ҳамк., 2021; Черемискин В.П., 2020). Шу билан бирга, ҳозирги вақтга қадар биринчи йиллик болаларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдромининг кечишини баҳолаш учун ягона ёшга хос ташхис қийматлари ва клиник-лаборатор мезонлари ишлаб чиқилмаган (Рубцов М. С., 2019). Ҳаётнинг биринчи йилидаги болаларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми, сепсис ва иммун дисфункция масалалари бўйича қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, болаларда яллиғланиш жараёнларининг патогенетик механизмлари, цитокин дисбаланси ва иммун тизими фаолиятидаги ўзгаришлар

ўрганилган (Самсыгина Г.А., 2015; Володин Н.Н., 2012).

Мамлакатимизда болаларда тизимли яллиғланиш жараёнларининг айрим клиник-иммунологик жиҳатлари бўйича илмий ишлар олиб борилган. Хусусан, болаларда сепсис, иммун танқислик ҳолатлари ва яллиғланиш медиаторларининг аҳамиятини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар мавжуд (Шамсиев А.М., 2018; Тўйчиев Л.Н., 2020). Айрим маҳаллий тадқиқотларда янги туғилган чақалоқларда инфекция жараёнларнинг кечиши, иммунологик кўрсаткичлар ва антибактериал терапия самарадорлиги таҳлил қилинган (Муҳамедов И.М., 2019; Ходжиева Д.Т., 2021). Бундан ташқари, айрим биомаркерларнинг прогностик аҳамияти бўйича маълумотлар ҳанузгача баҳсли бўлиб қолмоқда. Масалан, бир қатор тадқиқотлар натижалари прокалцитонин даражасининг бактериал инфекцияни аниқлашда юқори ўзига хосликка эга эканлигини кўрсатган (Наврузова Ш. И., 2020; Валимухаметова И.Р., 2019). Шу билан бирга, С-реактив оқсил (СРО) ва интерлейкин-6 (IL-6) даражасининг кўтарилиши гипоксия, операция стресси ёки поствакцинал реакциялар билан боғлиқ инфекциясиз тизимли яллиғланиш реакцияларида ҳам кузатилиши мумкин. Шу муносабат билан, бир қатор олимлар биомаркерларни, бемор ҳолати оғирлиги ва лаборатор кўрсаткичлари динамикасини инobatга олган ҳолда интеграл баҳолашнинг муҳимлигини таъкидламоқдалар (Махмудов О. С. ва ҳамк., 2021).

Шундай қилиб, педиатрияда тизимли яллиғланиш реакциясининг асосий механизмлари фаол ўрганилаётган бўлса-да, ҳаётнинг биринчи йилидаги болаларда унинг кечишининг клиник-лаборатор хусусиятлари тўлиқ аниқланмаган. Ҳаётнинг биринчи йилидаги болаларнинг ёш хусусиятларига мослаштирилган ягона диагностик мезонларини ишлаб чиқиш, шунингдек, нохуш асорат хавфини ва ўтказилаётган терапия самарадорлигини объектив баҳолашга имкон берадиган прогностик шкалаларни яратиш зарурати сақланиб қолмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат тиббиёт университетининг "Диагностика, даволаш ва профилактиканинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш" мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (2022-2025 йй.) бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Пневмония билан касалланган бир ёшгача бўлган болаларда тизимли яллиғланиш реакцияси ривожланишининг клиник-лаборатор ва метаболик кўрсаткичларини комплекс баҳолаш асосида эрта прогнозлашнинг интеграл мезонларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хаётнинг биринчи йилидаги болаларда тизимли яллиғланиш реакциясининг ривожланиш хавф омилларини аниқлаш;

хаётнинг биринчи йилидаги болаларда тизимли яллиғланиш реакцияси ривожланишининг субъектив ва объектив кўрсаткичларини баҳолаш;

хаётнинг биринчи йилидаги болаларда тизимли яллиғланиш реакцияси биокимёвий предикторларини аниқлаш;

хаётнинг биринчи йилидаги болаларда тизимли яллиғланиш реакцияси ривожланиши предикторлари билан кислота-ишқор асоси кўрсаткичлари орасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш;

хаётнинг биринчи йилидаги болаларда тизимли яллиғланиш реакциясида асоратлар ривожланишининг прогноз мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида 1ойдан 1 ёшгача бўлган 110 нафар бола текширилди. Шулардан 1-гурух - тизимли яллиғланиш реакцияси бўлган 60 нафар бола, 2-гурух - ўпка яллиғланиши (пневмония) билан касалланган 50 нафар боладан иборат эди.

Тадқиқот предмети: Пневмония билан касалланган бир ёшгача бўлган болаларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдромининг ривожланишига таъсир этувчи клиник, лаборатор ва метаболик кўрсаткичлар, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда эрта прогнозлашдаги диагностик ва прогностик аҳамиятини баҳолашдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Умумклиник, функционал-инструментал, клиник-лаборатор ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пневмония билан касалланган бир ёшгача бўлган болаларда нисбий хавф таҳлилига кўра тизимли яллиғланиш реакцияси ривожланишининг аҳамиятли антенатал (оналарда инфекция ва гипоксик), неонатал (инфекцион, респиратор ва конституционал) ва постнатал (инфекцион, неврологик ва нутритив) хатар омиллари аниқланган ва уларнинг хавф гуруҳларини эрта шакллантириш ҳамда касалликнинг оғир кечишини олдини олишдаги диагностик ва профилактик аҳамияти асосланган;

бир ёшгача бўлган болаларда пневмония негизида тизимли яллиғланиш реакцияси ривожланишининг қон зардобиди D-димер, С-реактив оқсил ҳамда прокалцитонин даражаларининг, шунингдек кислота-ишқор мувозанати кўрсаткичларининг динамик ўзгаришлари билан корреляцион боғлиқлиги аниқланган, бунда лактат даражасининг 2,12 ммол/л дан ошиши тизимли яллиғланиш реакциясининг эрта лаборатор белгиси, унинг 2,55 ммол/л гача кўтарилиши эса касалликнинг оғир кечишини башоратловчи прогностик маркер эканлиги исботланган;

пневмония билан касалланган бир ёшгача бўлган болаларда

тизимли яллиғланиш реакцияси ривожланишида лаборатор биомаркерлар ва кислота-ишқор мувозанати кўрсаткичларининг гемодинамик бузилишлар ва касалликнинг оғирлик даражаси билан боғлиқлигини акс эттирувчи лаборатор-метаболик асослари аниқланган, ушбу биомаркерлар мажмуасига асосан ишлаб чиқилган, 22 та предикторни ўз ичига олган эрта прогнозлаш модели юқори (AUC=0,89) диагностик ва прогностик қийматга эга эканлиги исботланган;

клиник, лаборатор ва метаболик кўрсаткичларни комплекс баҳолаш асосида ишлаб чиқилган интеграл шкала ёрдамида хавф даражасига кўра беморларни табақалаштириш ва интенсив терапияни ўз вақтида бошлашга қаратилган даволаш тактикаси пневмония билан касалланган гўдакларда полиорган етишмовчилик ривожланиши хавфини камайтириши ҳамда даволаш самарадорлигини оширишдаги юқори клиник самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олинган натижалар юқори диагностик ва прогностик аҳамиятга эга бўлиб, пневмония билан касалланган бир ёшгача бўлган болаларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми ривожланиш хавфини эрта босқичларда аниқлаш имконини беради. Тадқиқот жараёнида аниқланган клиник, лаборатор ва метаболик кўрсаткичларни комплекс баҳолаш асосида мазкур синдромнинг кечиш оғирлиги ва асоратлар ривожланиш эҳтимолини прогноз қилиш имконияти яратилди. Ишлаб чиқилган интеграл диагностик мезонлар болалар аҳволининг оғирлашишини ўз вақтида баҳолаш, юқори хавф гуруҳига кирувчи беморларни эрта аниқлаш ҳамда интенсив терапия чораларини ўз вақтида бошлашга хизмат қилади. Тадқиқот натижалари асосида шакллантирилган клиник-лаборатор алгоритмлар амалиётда шифокорларга дифференциал диагностика ўтказиш, даволаш тактикасини индивидуаллаштириш ва беморларни динамик мониторинг қилишда амалий ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларнинг ишончилиги диссертация ишида қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалари билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, бир ёшгача бўлган болаларда тизимли яллиғланиш реакцияси ривожланишининг диагностик ва прогностик мезонларининг такомиллаштирилганлиги, статистик таҳлил усулларининг асосланганлиги, уларнинг тўғри қўлланилганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, пневмония билан касалланган бир ёшгача бўлган болаларда тизимли яллиғланиш

реакцияси синдроми ривожланишида яллиғланиш медиаторлари, иммунологик кўрсаткичлар ва кислота-ишқор мувозанати параметрлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар аниқланди. Тадқиқот давомида аниқланган корреляцион боғлиқликлар тизимли яллиғланиш жараёнининг оғирлик даражасини баҳолашда цитокинлар, яллиғланиш маркерлари ва кислота-ишқор ҳолати кўрсаткичларининг муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Шунингдек, тадқиқот натижалари эрта ёшдаги болаларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдромининг ривожланиш босқичларини аниқлаш, унинг клиник кечиши ва полиорган етишмовчилиги билан ўзаро боғлиқлигини баҳолаш имконини берди. Бу ҳолат мазкур соҳадаги мавжуд илмий қарашларни тўлдириб, болалар организмидаги яллиғланиш ва метаболик дисфункция механизмлари ҳақидаги билимларни кенгайтиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шунда намоён бўладики, олинган маълумотлар юқори диагностик ва прогностик қийматга эга бўлиб, пневмония билан касалланган бир ёшгача бўлган болаларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми ривожланиш хавфини эрта босқичларда аниқлаш имконини беради. Клиник белгилари, лаборатор-инструментал кўрсаткичлар, яллиғланиш медиаторлари ва метаболик параметрларни комплекс баҳолаш асосида хавф гуруҳидаги беморларни эрта идентификация қилиш имконияти яратилди. Ишлаб чиқилган диагностик ва прогностик ёндашувлар амалиётда шифокорларга бемор аҳволининг оғирлашишини ўз вақтида баҳолаш, интенсив терапияни эрта бошлаш ва даволаш тактикасини индивидуаллаштиришда ёрдам беради. Бу эса септик асоратлар, полиорган етишмовчилиги ва оғир кечувчи ҳолатлар ривожланишининг олдини олишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Пневмония билан касалланган бир ёшгача бўлган болаларда тизимли яллиғланиш реакцияси ривожланишининг клиник-лаборатор ва метаболик хусусиятларини комплекс ўрганиш ҳамда эрта прогнозлаш мезонларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: пневмония билан касалланган бир ёшгача бўлган болаларда нисбий хавф таҳлилига кўра тизимли яллиғланиш реакцияси ривожланишининг аҳамиятли антенатал (оналарда инфекцион ва гипоксик), неонатал (инфекцион, респиратор ва конституционал) ва постнатал (инфекцион, неврологик ва нутритив) хатар омиллари аниқланган ва уларнинг хавф гуруҳларини эрта шакллантириш ҳамда касалликнинг оғир кечишини олдини олишдаги диагностик ва профилактик аҳамияти асосланганлиги Тошкент Педиатрия тиббиёт институти кенгаши томонидан 2025 йил 25 февральдаги 03/338-сон қарори билан тасдиқланган “Ҳаётининг

биринчи йилидаги болаларда тизимли яллиғланиш жавоби кечишининг клиник-лаборатор мезонлари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: мазкур янгилик Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 8 июлдаги 184-сон ва Тошкент шаҳар 5-сон болалар клиник шифохонасининг 2025 йил 10 июлдаги 74-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий-техник кенгашининг 2025 йил 22 сентябрдаги 25/09-сон хулосаси).

Илмий янгиликнинг тиббий-ижтимоий самарадорлиги: пневмония билан касалланган бир ёшгача бўлган болаларда тизимли яллиғланиш реакцияси ривожланишининг аҳамиятли антенатал, неонатал ва постнатал хатар омилларини эрта аниқлаш асосида хавф гуруҳларини шакллантириш беморларни дифференциал мониторинг қилиш имконини беради. Хавф омилларига асосланган эрта стратификацияни қўллаш тизимли яллиғланиш реакциясининг оғир шаклларини ривожланиш частотасини 2,5 баробарга камайтирган, болалар ўлими ва ногиронлигини олдини олган ҳамда болаларнинг умумий ҳаёт сифати кўрсаткичларини яхшилашга хизмат қилган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* хатар омилларини эрта аниқлаш ва мақсадли профилактик тадбирларни қўллаш тизимли яллиғланиш реакциясининг оғир шакллари ривожланишининг олдини олиш ҳисобига даволаш харажатларини сезиларли камайтирган. Тизимли яллиғланиш реакциясининг оғир шакли ривожланган ҳолатда бир болани даволаш харажатлари $C_0=4\ 250\ 000$ сўмни ташкил этади. Хатар омилларига асосланган эрта стратификацияни қўллаш натижасида тизимли яллиғланиш реакциясининг оғир шакллари 2,5 баробарга камайган. Бир бемор учун иқтисодий самара $\Delta C=C_0 \times (1-1/2,5)=4\ 250\ 000 \times 0,6=2\ 550\ 000$ сўмни ташкил қилган. Тадқиқот кўламида умумий иқтисодий самара $UE=\Delta C \times n=2\ 550\ 000 \times 60=153\ 000\ 000$ сўмни ташкил этган. Хулоса: хатар омилларини эрта аниқлаш ва мақсадли профилактика 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 2 550 000 сўмга тежаш имконини берган. Тадқиқот кўламида (60 нафар ТЯР билан оғриган бемор) умумий иқтисодий самара 153 000 000 сўмни ташкил этган бўлиб, мазкур ёндашувнинг нафақат клиник, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам юқори самарадорлигини тасдиқлайди.

Иккинчи илмий янгилик: бир ёшгача бўлган болаларда пневмония негизида тизимли яллиғланиш реакцияси ривожланишининг қон зардобиди D-димер, С-реактив оқсил ҳамда прокалцитонин даражаларининг, шунингдек кислота-ишқор мувозанати кўрсаткичларининг динамик ўзгаришлари билан корреляцион боғлиқлиги аниқланган, бунда лактат даражасининг 2,12 ммол/л дан ошиши тизимли яллиғланиш реакциясининг эрта лаборатор белгиси, унинг 2,55 ммол/л гача кўтарилиши эса

касалликнинг оғир кечишини башоратловчи прогностик маркер эканлиги исботланганлиги Тошкент Педиатрия тиббиёт институти кенгаши томонидан 2025 йил 25 февральдаги 03/338-сон қарори билан тасдиқланган “Ҳаётининг биринчи йилидаги болаларда тизимли яллиғланиш жавоби кечишининг клиник-лаборатор мезонлари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: мазкур янгилик Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 8 июлдаги 184-сон ва Тошкент шаҳар 5-сон болалар клиник шифохонасининг 2025 йил 10 июлдаги 74-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий-техник кенгашининг 2025 йил 22 сентябрдаги 25/09-сон хулосаси).

Илмий янгиликнинг тиббий-ижтимоий самарадорлиги: D-димер, C-реактив оқсил, прокалцитонин ва лактат даражаларини динамик мониторинг қилиш тизимли яллиғланиш реакциясини эрта аниқлаш, касаллик оғирлигини объектив баҳолаш ва даволаш тактикасини ўз вақтида тузатиш имконини беради. Ушбу биомаркерларни қўллаш септик ҳолатларни эрта ташхислаш, такрорий касалхонага ётқизиш частотасини камайтириш ва болаларнинг тикланиш жараёнини тезлаштиришга хизмат қилади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* биомаркерлар асосида касаллик оғирлигини мониторинг қилиш иқтисодий жиҳатдан харажатларни минималлаштириш таҳлили (Cost-Minimization Analysis) асосида баҳоланди. Биомаркерлар мониторингсиз стандарт ёндашувда бемор ҳолатини баҳолаш учун қўшимча лаборатор текширувлар, кенгайтирилган биокимёвий таҳлиллар ва эмпирик терапияни давом эттириш билан боғлиқ харажатлар $C_0=1\ 250\ 000$ сўмни ташкил этган. Биомаркерлар асосида мониторинг олиб борилганда даволаш тактикаси эрта коррекция қилиниб, қўшимча текширувларга бўлган эҳтиёж камайган. Бир бемор учун иқтисодий самара $\Delta C=C_0-C_1=1\ 250\ 000-450\ 000=800\ 000$ сўмни ташкил қилган, бу ерда $C_1=450\ 000$ сўм - биомаркерлар асосида мониторинг қилинган ҳолатдаги харажатлар. Тадқиқот кўламида умумий иқтисодий самара $UE=\Delta C \times n=800\ 000 \times 110=88\ 000\ 000$ сўмни ташкил этган. Хулоса: биомаркерлар асосида тизимли яллиғланиш реакциясини мониторинг қилиш 1 нафар бемор ҳисобига қўшимча диагностик харажатларни 800 000 сўмга тежаш имконини берган. Тадқиқот кўламида (110 нафар бемор) умумий иқтисодий самара 88 000 000 сўмни ташкил этган бўлиб, мазкур ёндашувнинг иқтисодий жиҳатдан асосланганлигини тасдиқлайди.

учинчи илмий янгилик: пневмония билан касалланган бир ёшгача бўлган болаларда тизимли яллиғланиш реакцияси ривожланишида лаборатор биомаркерлар ва кислота-ишқор мувозанати

кўрсаткичларининг гемодинамик бузилишлар ва касалликнинг оғирлик даражаси билан боғлиқлигини акс эттирувчи лаборатор-метаболик асослари аниқланган, ушбу биомаркерлар мажмуасига асосан ишлаб чиқилган, 22 та предикторни ўз ичига олган эрта прогнозлаш модели юқори ($AUC=0,89$) диагностик ва прогностик қийматга эга эканлиги исботланганлиги Тошкент Педиатрия тиббиёт институти кенгаши томонидан 2025 йил 25 февральдаги 03/338-сон қарори билан тасдиқланган “Ҳаётининг биринчи йилидаги болаларда тизимли яллиғланиш жавоби кечинининг клиник-лаборатор мезонлари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: мазкур янгилик Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 8 июлдаги 184-сон ва Тошкент шаҳар 5-сон болалар клиник шифохонасининг 2025 йил 10 июлдаги 74-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий-техник кенгашининг 2025 йил 22 сентябрдаги 25/09-сон хулосаси).

Илмий янгиликнинг тиббий-ижтимоий самарадорлиги: 22 та предикторни ўз ичига олган диагностик матрица ва эрта прогнозлаш модели ($AUC=0,89$) тизимли яллиғланиш реакциясини юқори аниқлик билан эрта аниқлаш имконини беради. Ушбу моделни қўллаш касаллик оғирлигини объектив баҳолаш, беморларни хавф даражасига кўра табақалаштириш ва интенсив терапияни ўз вақтида бошлаш орқали нохуш клиник оқибатларни олдини олишга хизмат қилади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* диагностик матрица асосида эрта прогнозлашни қўллаш иқтисодий жиҳатдан шифохонада бўлиш муддатини қисқартириш таҳлили асосида баҳоланди. Шифохонада бўлиш муддати ўртача 10,8 кунга қисқарган. Бир бемор учун тўғридан-тўғри иқтисодий самара $E_1 = \Delta T \times S_k = 10,8 \times 380\,000 = 4\,104\,000$ сўмни ташкил қилган, бу ерда $\Delta T = 10,8$ кун-шифохонада бўлиш муддатининг қисқариши, $S_k = 380\,000$ сўм-бир койко-куннинг ўртача қиймати. Тадқиқот кўламида умумий иқтисодий самара $UE = E_1 \times n = 4\,104\,000 \times 110 = 451\,440\,000$ сўмни ташкил этган. Хулоса: диагностик матрица асосида эрта прогнозлаш 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 4 104 000 сўмга тежаш имконини берган. Тадқиқот кўламида (110 нафар бемор) умумий иқтисодий самара 451 440 000 сўмни ташкил этган бўлиб, мазкур ёндашувнинг юқори ресурстежамкорлик самарадорлигини тасдиқлайди.

тўртинчи илмий янгилик: клиник, лаборатор ва метаболик кўрсаткичларни комплекс баҳолаш асосида ишлаб чиқилган интеграл шкала ёрдамида хавф даражасига кўра беморларни табақалаштириш ва интенсив терапияни ўз вақтида бошлашга қаратилган даволаш тактикаси пневмония билан касалланган гўдакларда полиорган етишмовчилик ривожланиши хавфини

камайтириши ҳамда даволаш самарадорлигини оширишдаги юқори клиник самарадорлиги исботланганлиги Тошкент Педиатрия тиббиёт институти кенгаши томонидан 2025 йил 25 февральдаги 03/338-сон қарори билан тасдиқланган “Ҳаётининг биринчи йилидаги болаларда тизимли яллиғланиш жавоби кечишининг клиник-лаборатор мезонлари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: мазкур янгилик Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 8 июлдаги 184-сон ва Тошкент шаҳар 5-сон болалар клиник шифохонасининг 2025 йил 10 июлдаги 74-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий-техник кенгашининг 2025 йил 22 сентябрдаги 25/09-сон хулосаси).

Илмий янгиликнинг тиббий-ижтимоий самарадорлиги: интеграл чегаравий шкала асосида беморларни хавф даражасига кўра табақалаштириш ва интенсив терапияни ўз вақтида бошлашга қаратилган даволаш тактикасини қўллаш пневмония билан касалланган гўдакларда полиорган етишмовчилик ва летал оқибатлар ривожланиши хавфини сезиларли камайтирган. Касалликнинг оғир шакллари эрта аниқлаш, реанимация ва интенсив терапияга бўлган эҳтиёжни камайтириш ҳамда болаларнинг тезроқ тикланишини таъминлаш орқали умумий даволаш натижалари яхшиланган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* интеграл шкала асосида даволаш тактикасининг иқтисодий самарадорлиги учта мустақил ҳисоб-китоб механизми асосида баҳоланди: биринчидан, шифохонада бўлиш муддатининг қисқариши: интеграл шкала асосида беморларни ўз вақтида табақалаштириш натижасида шифохонада бўлиш муддати 10,8 кунга қисқарган. Бир бемор учун иқтисодий самара $E_1 = \Delta T \times C_k = 10,8 \times 380\,000 = 4\,104\,000$ сўм. Тадқиқот кўламида $UE_1 = 4\,104\,000 \times 110 = 451\,440\,000$ сўм; иккинчидан, реанимация ва интенсив терапия харажатларининг камайиши, полиорган етишмовчилик ривожланган ҳолатда реанимация ва интенсив терапия билан боғлиқ ўртача харажатлар $C_0 = 3\,500\,000$ сўмни ташкил этган. Интеграл шкала қўлланилганда полиорган етишмовчилик ривожланишининг олди олинган. Бир бемор учун иқтисодий самара $\Delta C = C_0 \times r = 3\,500\,000 \times 0,35 = 1\,225\,000$ сўм, бу ерда $r = 0,35$ -полиорган етишмовчилик ривожланишини олдини олиш коэффиценти. Тадқиқот кўламида $UE_2 = 1\,225\,000 \times 110 = 134\,750\,000$ сўм; учинчидан қўшимча диагностик ва даволаш харажатларининг тежалиши - интеграл шкала асосида мақсадли ёндашувни қўллаш кенгайтирилган лаборатор текширувлар, эмпирик антибиотикотерапия ва қўшимча инфузион давога бўлган эҳтиёжни камайтирган. Бир бемор учун тежалган харажат $C_{\text{қўш}} = 850\,000$ сўм. Тадқиқот кўламида $UE_3 = 850\,000 \times 110 = 93$

500 000 сўм. Барча ҳисоблар бўйича жами умумий иқтисодий самара: $UE_{\text{жами}} = UE_1 + UE_2 + UE_3 = 451\,440\,000 + 134\,750\,000 + 93\,500\,000 = 679\,690\,000$ сўмни ташкил қилган. Хулоса: интеграл чегаравий шкала асосида беморларни табақалаштириш ва даволаш тактикасини оптималлаштириш 1 нафар бемор ҳисобига шифохонада бўлиш муддатини қисқартириш, реанимация харажатларини ва қўшимча диагностик харажатларни камайтириш орқали ўртача 6 179 000 сўм бюджет маблағларини тежаш имконини берган. Тадқиқот кўламида (110 нафар бемор) жами иқтисодий самара 679 690 000 сўмни ташкил этган бўлиб, мазкур ёндашувнинг нафақат клиник, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам юқори самарадорлигини тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация структураси ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, мақсад ва вазифалари аниқланган, тадқиқот объекти ва предмети белгиланган. Шунингдек, ишнинг Республикада илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги акс эттирилган. Илмий янгилик ва амалиётда қўлланиш аҳамияти элементлари очиб берилган, уларнинг татбиқ этилганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, нашр қилинган ишлар ҳақида маълумотлар берилиб, диссертациянинг тузилиши кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Болаларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдромини ташхислаш мезонлари**» деб номланган биринчи бобида бир ёшгача бўлган болаларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдромининг ривожланиш муаммоларига бағишланган адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган. Тизимли яллиғланиш реакциясининг лаборатор мезонларини ҳисобга олган ҳолда ривожланишнинг этиопатогенетик механизмлари масалалари кўриб чиқилади.

Диссертациянинг «**Клиник материал ва текшириш усулларининг умумий тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари батафсил тавсифланган. Қўйилган

вазифаларни ҳал қилиш учун Шахар 1-сонли болалар клиник шифохонасида ОРИТ бўлимида 1 ойликдан 1 ёшгача бўлган 110 нафар болани текширувдан ўтказдик, улардан 1-гурух - 60 нафар тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми бўлган болалар; 2-гурух - пневмония билан касалланган 50 нафар бола.

Тадқиқотга киритиш мезонлари: ҳаётининг 1 ойликдан 1 ёшгача бўлган болалар, марказий нерв тизимининг органик шикастланишсиз, юқумли касалликларсиз (захм, ОИВ, гепатитлар, ЖАЙБЮИ), генетик патологиясиз, ўткир бактериал ёки вирусли инфекция билан туғилган болалар.

Истисно мезонлари: Марказий нерв тизимининг туғма органик патологияси бўлган, 1 ойгача ва 1 ёшдан катта болалар, ирсий касалликлари бўлган, ушбу касалликкача иммуносупрессив дори воситаларини қабул қилган, бирламчи иммунитет танқислиги ҳолатлари бўлган болалар.

Асосий гуруҳдаги беморлар аксарият ҳолларда (43,3%) 1 ойликдан 3 ойликкача бўлган, таққослаш гуруҳида эса 7-12 ойлик (36,0%) бўлган, бу сезиларли фарқларга эга бўлган ($P < 0,05$). Барча текширилганлар орасида ўғил ва қиз болалар нисбати 1,7:1 ни ташкил этди. Кузатилган иккала гуруҳда ҳам ўғил болаларнинг қиз болаларга нисбатан устунлиги аниқланди.

Ҳаётнинг биринчи йилидаги болаларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдромини ташхиси қуйида келтирилган мезонлардан камида иккитаси мавжуд бўлганда қўйилди, улардан бири ҳарорат ёки лейкоцитлар сонининг ўзгариши.

Барча болаларда Глазго кома шкаласининг учта параметри бўйича ҳолат: кўзнинг очилиши, нутқ жавоби ва ташқи таъсирга жавобан ҳаракат реакцияси. qSOFA шкаласи (Quick Sequential Organ Failure Assessment - SOFA тезкор шкаласи) SOFA шкаласининг соддалаштирилган кўриниши бўлиб, у нохуш асорат хавфи юқори бўлган беморларни аниқлашнинг дастлабки усули сифатида хизмат қилиши мумкин.

Қон зардобидаги СРО миқдори иммунофермент усулида аниқланди. Тадқиқотлар Biomerica (АҚШ) томонидан ишлаб чиқарилган Hs-CRP ELISA реагентлар тўплами ёрдамида "Uniplan" аппаратида ўтказилди. Прокалцитонинни аниқлаш иммунохроматографик тест ёрдамида амалга оширилди. Синовда коллоид олтин (трейсер) билан конъюгацияланган сичқон моноклонал катакалцин антитаначалари ва поликлонал қўй антикалцитонин антитаначалари (қаттиқ фаза) ишлатилган.

Д-димернинг (D Dimer) миқдорий экспресс таҳлили учун тест тўплами иммунофлуоресцент таҳлил (ИФА) технологиясига асосланган. Д-димернинг (Д-Димер) миқдорий экспресс таҳлили учун тест тўпламида сендвич иммунодетекция усулидан фойдаланилди.

Текширувдан ўтказилган барча болаларда кислота-ишқор асослари кўрсаткичлари ўрганилди: қон газлари, кислота-ишқор ҳолати, Даниянинг "RADIOMETR" фирмасининг "ABL 800 ФЛЕХ" анализаторида оксиметрия параметрларини аниқлаш, 50 тагача параметрларни аниқлаш.

Олинган барча маълумотларга Microsoft Office Excel-2019 дастурий пакети ёрдамида статистик ишлов берилди. Ўртача қийматлар ўртасидаги фарқларнинг статистик аҳамияти Студент (t) мезони ёрдамида аниқланди.

Диссертациянинг «Бир ёшгача бўлган болаларда тизимли яллиғланиш реакциясида клиник-лаборатор маълумотларни баҳолаш» деб номланган учинчи бобда бир ёшгача бўлган болаларда тизимли яллиғланиш реакциясининг ривожланишида анамнестик омиллари ва клиник кўринишлари, лаборатор-функционал кўрсаткичлар, шунингдек, кислота-ишқор ҳолатининг предикторлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Болалар ҳаётининг биринчи йилида пневмония билан касалланганда тизимли яллиғланиш реакцияси ривожланишининг энг аҳамиятли антенатал омиллари сифатида ҳомиладорлик даврида оналарда сийдик йўллари инфекциялари (НЭ=3,56), муддатидан олдин туғилиш (НЭ=3,56) ва ҳомиланинг бачадон ичи гипоксияси (НЭ=2,86); неонатал омиллар - эрта неонатал инфекция (НЭ=4,66), респиратор дистресс-синдром (НЭ=4,60), туғруқ залида ёки эрта неонатал даврда сунъий ўпка вентилицияси қўлланилиши (НЭ=4,38) ҳамда туғилганда камвазник (НЭ=3,50); постнатал омиллар - тез-тез учрайдиган ЎРВИ (НЭ=3,44), марказий нерв тизимининг гипоксик-ишемик шикастланиши (НЭ=3,37) ва ҳаётнинг илк ойларида сунъий овқатлантириш (НЭ=2,50) каби омиллар шаклланади.

40-45% болаларда тизимли яллиғланиш реакциясида церебрал қўзғалувчанлик синдроми ва нейровегетатив беқарорлик учун хос бўлган хулқ-атворнинг ўзгарувчанлиги, қисқа муддатли қўзғалувчанлик билан сустликнинг алмашиши, шовқин ва ёруғликка юқори сезувчанлик қайд этилган (1-жадвал). 1).

1-Жадвал

Ҳаётнинг биринчи йилидаги болаларда тизимли яллиғланиш реакциясининг субъектив белгиларини аниқлаш частотаси

Субъектив белгилар	Асосий гуруҳ (ТЯР, n=60)	Таққослаш гуруҳи (n=50)	χ^2	p
Сустлик, апатия, фаолликнинг пасайиши	42 (70,0%)	18 (36,0%)	13,41	<0,01
Овқатланишдан бош тортиш, иштаҳанинг пасайиши	38 (63,3%)	20 (40,0%)	6,14	<0,05
Уйқунинг бузилиши, безовталиқ, йиғлоқилиқ	35 (58,3%)	19 (38,0%)	4,32	<0,05

Қусиш, қайт қилиш, интоксикация белгилари	28 (46,7%)	13 (26,0%)	4,87	<0,05
Талваса эпизодлари, қалтираш	14 (23,3%)	5 (10,0%)	3,12	<0,05

Асосий гуруҳ болаларининг объектив ҳолати ҳаётий муҳим аъзоларнинг тизимли иштирокини акс эттирувчи умумий яллиғланиш, нейровегетатив ва метабolik бузилишларнинг комбинацияси билан тавсифланган (2-жадвал).

2-Жадвал

Ҳаётининг биринчи йилидаги болаларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдромининг объектив белгиларини аниқлаш частотаси

Объектив белгилар	Асосий гуруҳ (n=60)	Солиштирма гуруҳ (n=50)	χ^2	p
Субфебрил/фебрил иситма (>37,5°C)	60 (100%)	47 (94,0%)	2,12	>0,05
Тахипноэ (>50 нафас/мин)	41 (68,3%)	26 (52,0%)	3,03	<0,05
Бронхообструктив синдром	19 (31,7%)	3 (6,0%)	10,76	<0,01
Тахикардия (>160ур/мин)	32 (53,3%)	21 (42,0%)	1,29	>0,05
Юрак-қон томир етишмовчилиги I-II дар.	12 (20,0%)	8 (16,0%)	0,25	>0,05
Цианоз, акроцианоз, терининг мармарлиги	27 (45,0%)	10 (20,0%)	7,89	<0,01
Микроциркуляциянинг бузилиши (совуқ оёқ-қўллар, секинлашган капилляр реакция)	22 (36,7%)	9 (18,0%)	4,72	<0,05
Гипертензив синдром	38 (63,3%)	11 (22,0%)	19,87	<0,001
Талваса синдроми	14 (23,3%)	5 (10,0%)	3,12	<0,05
Бош мия қўзғалувчанлиги синдроми	10 (16,7%)	4 (8,0%)	1,47	>0,05
Вегетатив висцерал бузилишлар	7 (11,7%)	3 (6,0%)	0,85	>0,05
Психомотор ривожланишнинг кечикиши	17 (28,3%)	6 (12,0%)	4,28	<0,05
Мушаклар гипертонуси	55 (91,7%)	21 (42,0%)	27,12	<0,001
Пай рефлексларининг ошиши	16 (26,7%)	7 (14,0%)	2,39	>0,05
Рахит I даража	25 (41,7%)	8 (16,0%)	7,86	<0,05

Касалликнинг объектив белгилари гемодинамика, нафас олиш ва микроциркуляциянинг тизимли бузилишлари билан тавсифланган. Тахипноэ 68,3% га қарши 52,0% ($p < 0,05$) аниқланди ва бронхообструктив синдром асосий гуруҳда деярли 5 барабар кўпроқ учради (31,7% га қарши 6,0%, $p < 0,01$). Бу маълумотлар яллиғланиш реакциясининг генерализацияси билан кечадиган гипоксия типдаги нафас етишмовчилигининг ривожланишини акс эттиради.

Асосий гуруҳдаги беморларда неврологик синдромлар сезиларли даражада кўпроқ кузатилди: гипертензив синдром - 63,3% га нисбатан 22,0% ($p < 0,001$), талваса синдроми - 23,3% га нисбатан 10,0% ($p < 0,05$). Ушбу бузилишлар интоксикациянинг оғирлиги ва


гипоксия даражаси билан боғлиқ эди. Бундан ташқари, асосий гуруҳдаги болаларда I даражали рахит 2,5 баравар кўпроқ аниқланган (41,7% га нисбатан 16,0%, $p < 0,05$), бу, эҳтимол, D витамини метаболизмининг бузилиши ва шиллиқ қаватларнинг микробларга қарши ҳимоясининг пасайиши билан боғлиқ. Онгни баҳолаш Глазго шкаласи бўйича барча болаларда ўтказилди. Маълумотларни таҳлил қилиш натижасида биз асосий гуруҳ болаларида ушбу шкала бўйича ўртача кўрсаткичлар таққослаш гуруҳига қараганда ёмонроқ эканлигини аниқладик ($P < 0,01$).

Асосий гуруҳда систолик ва диастолик босимнинг ўртача қийматлари болаларга нисбатан сезиларли даражада паст бўлган. Уларда пневмония тизимли яллиғланиш белгиларисиз кечган (мос равишда $76,4 \pm 1,2$ мм сим. уст. ва $84,1 \pm 1,0$ мм сим. уст. ва $44,8 \pm 0,9$ мм сим. уст. ва $50,7 \pm 0,8$ мм сим. уст. га қарши; $p < 0,01$).

Ўртача гемодинамик босимнинг ўртача 10,5% га пасайиши гипоксия ва эндотелийнинг яллиғланиш шикастланиши фонида ривожланадиган тизимли вазодилатация ва гипоперфузия тенденциясини кўрсатади. Бундан ташқари, асосий гуруҳдаги болаларда гипотензия эпизодлари ($< 70/40$ мм сим. уст.) сезиларли даражада тез-тез қайд этилган - таққослаш гуруҳидаги 10,0% га нисбатан 30,0% ($p < 0,01$), шунингдек, қон томир тонусининг вегетатив регуляциясининг дискоординациясини акс эттирувчи қон босимининг лабиллиги (35,0% га нисбатан 18,0%, $p < 0,05$).

Ушбу ўзгаришлар яллиғланиш олди цитокинларнинг фаоллашуви натижасида қон томир тонуси, микроциркуляция ва қон оқимининг қайта тақсимланиши бузилиши юзага келганда, тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми учун хос бўлган эрта тизимли қон томир етишмовчилиги ривожланишидан далолат беради.

Асосий гуруҳда qSOFA шкаласи бўйича кўрсаткичлар (1-расм) ўртача $2,8 \pm 0,01$ баллни, таққослаш гуруҳида эса $1,8 \pm 0,01$ баллни ташкил этди, бу сезиларли даражада аҳамиятли эди ($P < 0,01$).



1-расм. Тадқиқотда иштирок этган болаларда qSOFA шкаласи бўйича кўрсаткичлар.

Олигурия (диурез $< 0,5$ мл/кг·соат) асосий гуруҳдаги болаларнинг 40,0% да, таққослаш гуруҳидаги 12,0% да қайд этилган ($p < 0,01$).

Тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми бўлган болаларда диурезнинг ўртача ҳажми $0,46 \pm 0,02$ мл/кг·соатни ташкил этди, бу таққослаш гуруҳига қараганда сезиларли даражада паст ($0,82 \pm 0,03$ мл/кг·соат, $p < 0,01$).

Асосий гуруҳдаги 30,0% беморларда олигурия артериал гипотензия билан бирга келган, бу унинг тизимли гемодинамик етишмовчилик ва ҳаётий муҳим аъзолар гипоперфузияси билан патогенетик боғлиқлигини тасдиқлайди.

Инфузион терапия ўтказилгандан сўнг диурезнинг секин меъёрлашиши ҳам характерли фарқ бўлди: дастлабки 12 соат ичида буйрак функциясининг тикланиши фақат 61,7% беморларда кузатилди, таққослаш гуруҳида эса бу кўрсаткич 94,0% га етди ($p < 0,001$). Бу тизимли яллиғланиш реакцияси бўлган болаларда микроциркуляция ва буйрак ауторегуляциясининг янада яққол бузилишларидан далолат беради.

Кўнгил айнаши диспептик синдромнинг энг кенг тарқалган кўриниши бўлиб, асосий гуруҳдаги болаларнинг 56,7% да кузатилган, таққослаш гуруҳида эса фақат 22,0%да ($p < 0,01$) учраган. Бу симптом, одатда, овқатланишдан бош тортиш ва ланжлик билан бирга кечди, бу эса тизимли яллиғланиш реакциясининг интоксикацион ва нейровегетатив компонентларининг яққол намоён бўлишини акс эттиради. Қусиш тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми билан оғриган беморларнинг 23,3% да кузатилган, бу тизимли яллиғланиш белгилари бўлмаган болаларда ушбу аломатнинг частотасидан икки баравар кўп (10,0%, $p < 0,05$).

Асосий гуруҳдаги беморларда қусишнинг пайдо бўлиши кўпинча қисқа муддатли нафас олиш бузилиши ва вегетатив дисфункция белгилари (оқариш, терлаш, периорал цианоз) билан бирга келган, бу унинг марказий келиб чиқиши ва узунчоқ мия тузилмаларининг жалб қилинишини кўрсатади. Асосий гуруҳда нормал дефекация частотаси (кунига 1-3 марта) фақат 46,7% болаларда кузатилган, таққослаш гуруҳидаги беморлар орасида эса - 78,0% ($p < 0,01$).

Бу тизимли яллиғланиш жараёнида ичак моторикаси ва секретор функциясининг сезиларли даражада бузилганлигидан далолат беради. Тез-тез дефекация (кунига 4-10 марта) назорат гуруҳидаги 14,0% га нисбатан 31,7% ($p < 0,05$), нажаснинг ҳаддан ташқари тез-тез келиши ($>$ кунига 10 марта) мос равишда 16,7% га нисбатан 4,0% болаларда ($p < 0,05$) кузатилди.

Тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми бўлган болаларда лейкоцитлар умумий сонининг сезиларли даражада ошиши ($11,6 \times 10^9$ /л га қарши ўртача $18,2 \times 10^9$ /л, $p < 0,01$), нейтрофилларни устунлиги (69,4%) ва таёқча ядроли шакллар улушининг 12,4% гача ошиши қайд этилди, бу формуланинг чапга сезиларли силжишини кўрсатади.

Бундай кўрсаткичлар туғма иммунитетнинг гиперергик реакцияси ва тарқалган бактериал яллиғланиш учун хосдир. Нейтрофил интоксикация индексининг (НИИ) меъёрда $<1,0$ бўлганда $2,1 \pm 0,1$ бирликкача ошиши етилмаган хужайраларнинг жадал ажралиб чиқишини акс эттиради ва тизимли яллиғланиш реакциясини асосий лаборатор белгиси ҳисобланади.

Нейтрофил силжиш билан параллел равишда лимфоцитларнинг 21,7% гача пасайиши кузатилди (таққослаш гуруҳида - 35,3%, $p < 0,01$), бу лимфоцитар-нейтрофил индексининг (ЛНИ) $0,32 \pm 0,05$ гача пасайиши билан бирга кечди. Бундай нисбат иммунитетнинг адаптив бўғинининг сусайиши ва тизимли яллиғланиш реакцияси синдромига хос бўлган носпецифик яллиғланиш реакцияларининг устунлигидан далолат беради.

Тизимли яллиғланиш реакцияси билан касалланган болаларнинг 28% ида ўртача даражадаги тромбоцитопения қайд этилди (ўртача $169,8 \times 10^9/\text{л}$, назорат гуруҳидаги $254,3 \times 10^9/\text{л}$ га нисбатан; $p < 0,001$).

Бу ҳолат микроциркуляция тизимида тромбоцитларнинг сарфланиши ҳамда диссемирланган томир ичи синдроми механизмларининг фаоллашувини акс эттиради.

Шунингдек, гемоглобин ($102,3$ г/л) ва гематокрит (30,4 %) кўрсаткичларининг пасайиши ҳам кузатилди. Бу эса яллиғланиш жараёнида гемодилюция ва суюқликнинг қайта тақсимланиши, шунингдек эритропоэзнинг сусайиши билан боғлиқ.

ЭЧТнинг сезиларли даражада ошиши ($14,8 \pm 1,1$ мм/соатга нисбатан $2,4 \pm 1,3$ мм/соат; $p < 0,001$) ўткир фаза оқсилларининг (фибриноген, СРО) юқори концентрациясини ва яллиғланиш жараёнининг оғирлигини акс эттиради.

Нейтрофил силжиши ва юқори НИИ билан биргаликда ЭЧТнинг ошиши ҳаётнинг биринчи йилида болаларда тизимли яллиғланиш ва токсикознинг комплекс белгиси ҳисобланади.

Нейтрофиллар фаоллашуви ва токсикознинг ифодаланганлигини тавсифловчи кўрсаткичлар - нейтрофиллар $>65\%$, таёқча ядроли шакллар $>10\%$, НИИ $>1,5$ бирлик, шунингдек, юқори ЭЧТ тизимли яллиғланиш реакцияси ривожланишида энг юқори диагностик ва прогностик қийматни кўрсатди. Айнан шу параметрлар бир вақтнинг ўзида юқори сезувчанликка ($\geq 80\%$) ва ўзига хосликка ($\geq 75\%$) эга бўлиб, бу уларни тизимли яллиғланишнинг ишончли кўрсаткичларига айлантиради (3-жадвал).

3-Жадвал

Тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми билан касалланган бир ёшгача бўлган болаларда гематологик кўрсаткичларнинг прогностик аҳамияти

Кўрсаткич	Чегаравий қиймат	RR (95%ДИ)	НЭ (95% ДИ)	Сезувчанлиги (%)
Лейкоцитоз >15x10 ⁹ /л	2,68 (1,42-5,06)	3,10 (1,35-7,12)	78,3	72,0
Нейтрофиллар>65%	2,94 (1,55-5,57)	4,82 (1,88-12,3)	82,0	74,0
Ядро таёқчали нейтрофиллар >10%	3,12 (1,73-5,64)	5,31 (2,12 – 13,3)	74,5	84,0
Лимфоцитлар<25%	2,17 (1,20-3,94)	3,45 (1,31-9,06)	68,0	70,0
ЛНИ <0,4	2,85 (1,58 - 5,15)	4,63 (1,84-11,6)	71,7	76,0
НИИ>1,5 бирлик	3,95 (2,10-7,45)	6,24 (2,83-14,2)	86,7	80,0
Тромбоцитлар <180x10 ⁹ /л	2,80 (1,31-5,99)	3,58 (1,38-9,31)	64,3	82,0
Гемоглобин <105г/л	1,92 (1,01-3,65)	2,18 (0,98-5,13)	48,0	68,0
ЭЧТ>20мм/ч	3,05 (1,55-6,01)	4,12 (1,75-9,68)	79,0	73,0

Тромбоцитопения <180 ×10⁹/л - тизимли эндотелиал дисфункция ва микротромботик синдромнинг предиктори (НЭ=3,58; p<0,01).

Тизимли яллиғланиш реакциясининг энг аҳамиятли предиктори гематологик кўрсаткичлари: нейтрофиллар >65% ва таёқча ядролилар >10%; НИИ >1,5 ед.; тромбоцитлар <180 ×10⁹/л; ЭЧТ >20 мм/с; лейкоцитоз >15 ×10⁹/л, ЛНИ <0,4.

Ушбу параметрлар тизимли яллиғланиш реакцияси ривожланишининг юқори хавфини прогноз қилади ва уларни стратификация шкаласига киритиш моделнинг прогностик ишончлилигини АУС=0,91 (Се=88,9%, Сп=79,6%) гача оширади.

Назорат гуруҳидаги болаларда СРО даражаси физиологик меъёр чегарасида бўлди (4,5±0,9 мг/л). Таққослаш гуруҳида унинг 11,2±2,4 мг/л гача (p<0,05) ўртача кўтарилиши қайд этилди, бу типик маҳаллий яллиғланиш жавобини акс эттиради.

СРО концентрациясининг энг сезиларли ўсиши тизимли яллиғланиш реакцияси бўлган болаларда қайд этилган - 40,3±3,6 мг/л, бу назорат ва таққослаш кўрсаткичларидан сезиларли даражада ошди (мос равишда p<0,001 ва p<0,01).

Назорат гуруҳида ПКТ концентрацияси 0,04±0,1 нг/мл, таққослаш гуруҳида - 0,35±0,1 нг/мл (p<0,05) ни ташкил этди. Тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми бўлган болаларда ПКТ даражаси 2,6±0,2 нг/мл га етди, бу бошқа иккала гуруҳ кўрсаткичларидан сезиларли даражада юқори (p<0,001). Прокалцитониннинг ўсиши меъёрий қийматлардан 16,2 баравар, таққослаш гуруҳига нисбатан

эса 7,4 барабар ошди, бу унинг бактериал септик фаоллашувнинг энг сезгир белгиси сифатида аҳамиятини таъкидлайди.

Асосий гуруҳда Д-димернинг ўртача концентрацияси $3284,7 \pm 494,7$ нг/мл ни ташкил этди, бу таққослаш гуруҳи ($1734,7 \pm 239,6$ нг/мл, $p < 0,05$) ва назорат гуруҳи ($352,3 \pm 124,3$ нг/мл, $p < 0,05$) кўрсаткичларидан сезиларли даражада ошди.

Корреляцион таҳлил шуни кўрсатдики, СРО концентрациясининг ортиши тахипноэнинг намоён бўлиш даражаси билан статистик аҳамиятли ижобий корреляцияга эга ($r = 0,48$; $p < 0,01$), шунингдек тахикардия ($r = 0,41$; $p < 0,05$), qSOFA шкаласи бўйича баҳолаш ($r = 0,52$; $p < 0,01$) ва госпитализация давомийлиги ($r = 0,58$; $p < 0,001$) билан ҳам ижобий боғлиқлик аниқланди. Бироқ, СРОнинг аъзолар дисфункциясининг муҳим белгилари - гипотензия ва олигурия билан боғлиқлиги ўртача бўлиб чиқди ($p = 0,36-0,44$), бу унинг биринчи навбатда яллиғланиш фаоллигининг маркери сифатидаги ролини акс эттиради, аммо микроциркуляция бузилишларининг чуқурлигини эмас.

Прокалцитонин оғир тизимли яллиғланишнинг клиник кўринишлари билан энг аниқ корреляцияни кўрсатди. Энг юқори корреляция коэффициентлари qSOFA ≥ 2 балл ($p = 0,71$; $p < 0,001$), тахипноэ ($p = 0,62$; $p < 0,001$), гипотензия ($p = 0,59$; $p < 0,001$) ва олигурия ($p = 0,57$; $p < 0,001$) билан олинган.

Прокалцитонин, шунингдек, сурункали нафас етишмовчилиги ($p = 0,55$; $p < 0,01$), неврологик бузилишлар ($p = 0,53$; $p < 0,01$) ва касалхонада ётиш давомийлиги ($p = 0,69$; $p < 0,001$) билан сезиларли даражада боғлиқ эди. Прокалцитонин қонуний равишда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми оғирлигининг асосий миқдорий предиктори сифатида намоён бўлади.

Д-димер микроциркуляция бузилиши белгилари: олигурия ($p = 0,63$; $p < 0,001$), гипотензия ($p = 0,58$; $p < 0,001$) ва qSOFA шкаласи бўйича баҳолаш ($p = 0,66$; $p < 0,001$) билан юқори даражадаги боғлиқликни кўрсатди.

Д-димер ва неврологик бузилишлар ўртасидаги ишончли корреляция ($p = 0,55$; $p < 0,01$) марказий асаб тизимининг микроциркулятор томир тармоғининг патологик жараёнга жалб этилиши мумкинлигини кўрсатади.

Касалхонада даволаниш давомийлиги билан боғлиқлиги ($p = 0,61$; $p < 0,001$) эса Д-димернинг касалликнинг чўзилган кечиши ва нохуш прогнознинг муҳим маркери эканлигини таъкидлайди.

Д-димер даражаси ≥ 1500 нг/мл бўлиб, СРО > 7 мг/л ва ПКТ > 2 нг/мл билан биргаликда аниқланиши тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми ҳамда микроциркуляциянинг диссеминацияланган бузилишлари ривожланишининг юқори хавфи билан боғлиқ бўлган кўрсаткичларнинг учлиги сифатида баҳоланади.

Асосий гуруҳ болаларида карбонат ангидрид концентрацияси

51,20±2,66 мм сим. уст. ни ташкил этди (4-жадвал), бу таққослаш гуруҳи (42,53±0,87 мм сим. уст.) ва назорат гуруҳи (38,5±1,5 мм сим. уст.) қийматларидан сезиларли даражада юқори.

4-Жадвал

Тадқиқот гуруҳларида кислота-ишқор мувозанати даражаси

Кўрсаткич	Назорат	Таққослаш гуруҳи	Асосий гуруҳ (ТЯР)	P (I-II)	P ₁ (I-III)	P ₂ (II-III)
pCO ₂ , мм рт. ст.	38,5±1,5	42,53±0,87	51,20±2,66	<0,05	<0,001	<0,001
pO ₂ , мм рт. ст.	92,4±2,8	86,54±2,23	45,37±3,47	<0,05	<0,001	<0,001
Na ⁺ , ммол/л	138,0±1,2	153,88±11,85	142,93±2,08	<0,05	>0,05	<0,05
K ⁺ , ммол/л	4,50±0,12	4,31±0,08	3,73±0,23	>0,05	<0,001	<0,01
Cl ⁻ , ммол/л	102,0±0,8	100,82±0,39	97,51±1,52	>0,05	<0,01	<0,05
Ca ²⁺ , ммол/л (иониз.)	1,25±0,05	1,88±0,35	1,14±0,16	<0,05	>0,05	<0,05
Hct, %	38,2±1,1	51,38±1,07	41,68±1,85	<0,001	<0,05	<0,05
Глюкоза, ммол/л	4,60±0,20	4,11±0,10	5,27±0,28	<0,05	<0,01	<0,01
Лактат, ммол/л	1,10±0,10	1,30±0,15	1,80±0,11	>0,05	<0,001	<0,01
HCO ₃ ⁻ actual, ммоль/л	22,5±0,8	24,27±0,57	27,37±1,03	>0,05	<0,001	<0,01
HCO ₃ ⁻ standard, ммол/л	23,0±0,7	24,27±0,57	27,37±1,03	>0,05	<0,001	<0,01

pCO₂ нинг бундай ошиши оғир тизимли яллиғланиш реакцияси синдромига хос бўлган нафас етишмовчилигининг гиповентиляцион компонентини акс эттиради ва альвеоляр вентиляция самарадорлигининг пасайишини кўрсатади.

Асосий гуруҳда (45,37±3,47 мм сим. уст.) таққослаш гуруҳига (86,54±2,23 мм сим. уст.) ва назорат гуруҳига (92,4±2,8 мм сим. уст.) нисбатан pO₂ нинг кескин пасайиши яққол гипоксемияни кўрсатади, бу ўпка тўқимасининг яллиғланиш ўзгаришлари, перфузион-вентиляцион диссоциация ва тизимли микротромбоз реакцияси билан боғлиқ газ алмашинуви бузилишининг типик белгисидир.

Натрий кўрсаткичлари таққослаш гуруҳида (153,88±11,85 ммол/л) назорат ва асосий гуруҳга нисбатан сезиларли даражада ошди. Бу дегидратация хусусиятларини, инфузион терапияни қўллашни ёки иситмага компенсатор реакцияларни акс эттириши мумкин. Асосий гуруҳда Na⁺ даражаси (142,93±2,08 ммол/л) меъёрнинг юқори

чегарасида қолди.

Асосий гуруҳда калийнинг пасайиши ($3,73 \pm 0,23$ ммол/л) таққослаш гуруҳига ($4,31 \pm 0,08$ ммол/л) ва назорат гуруҳига ($4,50 \pm 0,12$ ммол/л) нисбатан метаболик ацидоз, катехоламинли жавоб, ион оқимининг хужайра ичида қайта тақсимланиши, тизимли яллиғланиш реакцияси синдромида гиперкатаболизм билан боғлиқ.

Асосий гуруҳда хлор даражасининг пасайиши ($97,51 \pm 1,52$ ммол/л) кислота-ишқор мувозанатининг метаболик таркибий қисмини ва гипохлоремик ацидознинг ривожланишини акс эттиради. Ионлашган кальций миқдори асосий гуруҳда қолган икки гуруҳга нисбатан сезиларли даражада пасайган ($1,14 \pm 0,16$ ммол/л). Гипокалциемия тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми ва сепсиснинг белгиси бўлиб, қуйидагилар билан боғлиқ: эндотелиал дисфункция, альбумин даражасининг пасайиши, Са⁺ гормонал бошқарувининг бузилиши, митохондриял дисфункция.

Таққослаш гуруҳида Hct кўрсаткичларининг юқори бўлиши ($51,38 \pm 1,07\%$) иситма ва дегидратация фонида нисбий гемоконцентрацияни акс эттиради. Тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми гуруҳида ($41,68 \pm 1,85\%$) Hct пастроқ бўлиб, бу қуйидагилар билан боғлиқ: интенсив инфузион терапия натижасидаги гемодилюция, микроциркуляциянинг бузилиши ҳамда суюқликнинг қайта тақсимланиши.

Асосий гуруҳдаги гипергликемия ($5,27 \pm 0,28$ ммол/л) қуйидагилар билан боғлиқ: стресс-реакция, кортизол ва катехоламинлар даражасининг ошиши, гипоксия фонида глюкоза утилизациясининг бузилиши. Гипергликемия, айниқса ацидоз ва лактат миқдорининг кўпайиши билан биргаликда оғирлик белгиси бўлиб хизмат қилади.

Лактат кўрсаткичлари асосий гуруҳда ($1,80 \pm 0,11$ ммол/л) таққослаш гуруҳига ($1,30 \pm 0,15$ ммол/л) ва назорат гуруҳига ($1,1 \pm 0,1$ ммол/л) нисбатан юқори бўлди. Лактатнинг кўпайиши қуйидагиларни акс эттиради: тўқима гипоперфузияси, микроциркуляциянинг бузилиши, анаэроб метаболизмга ўтиш. Бу тизимли аъзолар дисфункциясининг энг эрта ва сезгир предикторларидан биридир.

Асосий гуруҳдаги болаларда бикарбонатлар концентрацияси таққослаш гуруҳига нисбатан (мос равишда $23,17 \pm 0,64$ ва $24,27 \pm 0,57$) сезиларли даражада юқори эди (HCO_3 ҳақиқий $28,66 \pm 1,41$, HCO_3 стандарт $27,37 \pm 1,03$). Бу ўзгаришлар қуйидагиларни акс эттириши мумкин: буйрақлар томонидан HCO_3 нинг компенсатор ушлаб турилиши, ацидознинг аралаш тури, гипоксемия ва гиперкапниядан кейин кечиктирилган реакция, тананинг буфер тизимларининг қўшилиши. Бикарбонатларнинг кўпайиши лактатацидоз билан биргаликда аралаш респиратор ва метаболик ацидоз мавжудлигини тасдиқлайди.

pCO_2 кўрсаткичи тахипноэ ($p=0,58$; $p<0,01$), тахикардия ($p=0,44$; $p<0,05$), артериал гипотензия эпизодлари ($p=0,52$; $p<0,01$) ва олигурия

($p=0,60$; $p<0,001$) билан статистик жиҳатдан сезиларли ижобий боғлиқликни кўрсатди. Бундай боғланишлар альвеоляр гиповентиляция ва вентилицион-перфузион муносабатларнинг бузилиши натижасида юзага келадиган гиперкапник нафас ацидозининг шаклланишини акс эттиради.

Айниқса, pCO_2 нинг $qSOFA \geq 2$ ($p=0,66$; $p<0,001$) кўрсаткичи билан чамбарчас боғлиқлиги муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу гиперкапниянинг тизимли беқарорлик ва яллиғланиш жараёнининг оғир кечиши кўрсаткичи сифатидаги ролини тасдиқлайди.

Кислороднинг парциал босими (pO_2) тахикардия ($p=-0,55$; $p<0,01$), гипотензия ($p=-0,68$; $p<0,001$), олигурия ($p=-0,63$; $p<0,001$) ва $qSOFA \geq 2$ ($p=-0,72$; $p<0,001$) билан сезиларли салбий корреляцияга эга. Бу шундан далолат берадики, pO_2 нинг пасайиши тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми оғирлигининг критик респиратор предикторидир.

Лактат кислота-ишқор асосининг барча кўрсаткичлари орасида энг кучли корреляцион боғлиқликни кўрсатди. Олигурия ($p=0,71$; $p<0,001$), гипотензия ($p=0,57$; $p<0,001$), $qSOFA \geq 2$ баҳоси ($p=0,69$; $p<0,001$) ва касалхонада ётиш давомийлиги ($p=0,63$; $p<0,001$) билан аҳамиятли корреляциялар аниқланди. HCO_3^- (ҳақиқий ва стандарт) кўрсаткичлари гипотензия (p -0,45 дан -0,49 гача), олигурия ($p=-0,48$ дан -0,53 гача) ва $qSOFA$ нинг юқори қийматлари ($p=-0,48$ дан -0,51 гача) билан барқарор салбий боғлиқликни кўрсатди.

Гипокалиемия, тахикардия ($p=-0,34$; $p<0,05$), гипотензия ($p=-0,41$; $p<0,05$) ва $qSOFA \geq 2$ ($p=-0,45$; $p<0,01$) билан боғлиқликни кўрсатди. Калий даражасининг пасайиши катехоламин стресси, хужайра ичидаги қайта тақсимланиш ва ацидознинг кучайиши билан боғлиқ бўлиб, бу метаболик гомеостазнинг бузилишини акс эттиради ва юрак асоратлари хавфини оширади.

$qSOFA$ билан ўртача ижобий корреляция ($p=0,40$; $p<0,05$) инфекциянинг оғир кечишига хос бўлган дегидратация, яллиғланиш стресси ва гиперосмолярлик маркери сифатида гипернатриэмиянинг ролини кўрсатади.

Тадқиқот давомида кислороднинг паст парциал босими оғир тизимли яллиғланиш реакцияси синдромининг энг кучли предиктори эканлиги аниқланди. $pO_2 < 60$ бўлган болаларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми ривожланиш хавфи меъёрдан 22 баравар юқори (5-жадвал).

5-Жадвал

Ҳаётнинг биринчи йилидаги болаларда тизимли яллиғланиш реакцияси ривожланиши учун кислота ишқор мувозанати даражасининг прогностик аҳамияти

Чегаравий кўрсаткич	χ^2	p	OR	95% ДИ	Изох
$pO_2 < 60$ мм.сим.уст	47,21	<0,001	22,5 0	7,89- 64,18	Тизимли яллиғланиш реакцияси синдромида гипоксемиянинг етакчи предиктори бўлган жуда кучли боғланиш
$pCO_2 > 50$ мм.сим.уст	34,92	<0,001	15,8 3	5,27- 47,52	Гиповентиляция ва оғир кечиш билан кучли предиктив ассоциация
Лактат >2,0 ммол/л	14,02	<0,001	4,41	1,84- 10,58	Тўқима гипоперфузиясининг муҳим белгиси
$HCO_3^- < 22$ ммол/л	3,01	>0,05	0,61	0,26- 1,41	Кучсиз боғланиш, етакчи предиктор эмас
$K^+ < 3,8$ ммол/л	23,88	<0,001	9,44	3,46- 25,78	Юқори ассоциация, катехоламин стресси ва ацидозни акс эттиради

$pCO_2 > 50$ мм сим. уст. ошиши ($\chi^2=34,92$; $OR=15,83$) вентилициянинг чуқур бузилишини ва ривожланиб борувчи тизимли яллиғланиш реакцияси синдромига хос бўлган респиратор ацидоз шаклланишини кўрсатади. Лактат >2,0 ммол/л ($\chi^2=14,02$; $OR=4,41$) тизимли яллиғланиш реакцияси хавфини 4,4 мартага оширади. $HCO_3^- < 22$ ммол/л ($\chi^2=3,01$; $OR=0,61$), бироқ мустақил предиктор сифатида HCO_3^- етарлича информатив эмас, чунки компенсатор механизмлар ва инфузион терапия кўрсаткичларини бузиб кўрсатади. Қонда $K^+ < 3,8$ ммол/л ($\chi^2=23,88$; $OR=9,44$) катехоламин стресси, калийнинг ҳужайра ичига силжиши, ацидоз таъсирида кучаяди, бу эса инфекциянинг оғир кечишини кучли акс эттиради. Гипокалиемиа тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми хавфини деярли 10 баравар оширади.

Шундай қилиб, кислота-ишқор ҳолатининг кўрсаткичлари тизимли яллиғланиш реакцияси синдроминанг асосий клиник кўринишлари билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади ва метаболизм, нафас олиш функцияси ва тўқима перфузияси бузилишларининг чуқурлигини акс эттириб, оғир кечишининг ишончли лаборатор предикторлари бўлиб хизмат қилиши мумкин. Прогностик жиҳатдан энг муҳимлари pO_2 , pCO_2 ва лактат ҳисобланади.

Тўртинчи бобда «Патометрик (ҳисоблаш) ёндашув асосида пневмония билан касалланган болаларда тизимли яллиғланиш реакцияси кечишини прогнозлаш» 22 та клиник, гемодинамик, метаболик ва лаборатор предикторларини ўз ичига олган диагностик матрица пневмония билан касалланган бир ёшгача бўлган болаларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми ривожланиши хавфини комплекс баҳолаш имконини берди. Олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми ривожланиши респиратор, неврологик, вегетатив ва метаболик

тизимларнинг иштироки билан полиморф клиник кўриниш, шунингдек, яллиғланиш реакциясининг чуқурлиги ва орган дисфункцияси даражасини акс эттирувчи лаборатор кўрсаткичларининг сезиларли ўзгаришлари билан тавсифланади.

Болалар ҳаётининг биринчи йилида тизимли яллиғланиш реакцияси синдромининг клиник эҳтимоллигини баҳолаш учун ишлаб чиқилган чегаравий шкала (6-7-жадваллар) субъектив ва объектив касаллик белгилари бирлаштирилган ягона диагностик тизимини акс эттирувчи интеграл моделни тақдим этади. Ушбу усул тизимли яллиғланиш реакциясининг оғирлигини миқдорий баҳолаш ва беморларни тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми ривожланиш хавфи даражаси бўйича табақалаштириш имконини беради.

≥16 балл йиғиндисидан кенг тарқалган тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми ва унинг оғир кечиши эҳтимоли 50% дан ошади, икки ёки ундан ортиқ уч балли белгилар комбинациясида хавф 70-80% га яқинлашади.

Шундай қилиб, баллар йиғиндиси тизимли яллиғланиш жараёнига жалб қилинган организмнинг регулятор ва гомеостатик тизимларининг умумий зарарланишини акс эттиради.

Паст хавф (0-7 балл) - ушбу тоифадаги болалар, одатда, тизимли реакциянинг аниқ белгиларисиз пневмониянинг чекланган клиник кўринишларига эга. Симптоматика бўшашиш, ўртача субфебрил ҳарорат ва яқка неврологик симптомлар билан тавсифланади. Бундай беморларда мослашув механизмлари функционал фаолликни сақлаб қолади, тизимли яллиғланиш реакцияси компенсацияланган хусусиятга эга.

6-Жадвал

Бир ёшгача бўлган болаларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдромининг клиник ва лаборатор белгиларининг диагностик матрицаси

№	Мезон/Белги	Асосий гуруҳ (n=60)	Қиёсий гуруҳ (n=50)	RR (95% ДИ)	OR (95% ДИ)	Диагностик аҳамият	Баллар
I. Клиник-неврологик белгилар							
1.	Сустлик, бефарқлик, фаолликнинг пасайиши	70,0%	36,0%	1,94	4,21	Юқори	2
2.	Талваса синдроми	23,3%	10,0%	2,33	3,05	Ўртача	2
3.	Гипертензив синдром	63,3%	22,0%	2,88	7,47	Жуда юқори	3
4.	Мушаклар гипертонуси	91,7%	42,0%	2,18	13,05	Асосий	3
II. Респиратор ва гемодинамик белгилар							
5.	Тахипноэ (>50 дақ)	68,3%	52,0%	1,31	2,01	Ўртача	1

	да)						
6.	Бронхообструктив синдром	31,7%	6,0%	5,28	8,89	Жуда юқори	3
7.	Систолик АҚБ <80 мм сим. уст.	28,3%	10,0%	2,83	3,56	Юқори	2
8.	Диастолик АҚБ <45 мм сим. уст.	30,0%	12,0%	2,50	3,32	Ўртача	2
9.	Беқарорлик АҚБ (>±15%)	35,0%	18,0%	1,94	2,31	Ўртача	1
III. Метаболик ва умумий яллиғланиш белгилари							
10.	субфебрил/фебрил ҳарорат	100%	94%	-	-	Зарурий мезон	-
11.	Цианоз, терининг мармар ранги	45,0%	20,0%	2,25	4,00	Юқори	2
12.	Рахит I даража	41,7%	16,0%	2,60	3,82	Ўртача	2
IV. Оғирликнинг интеграл кўрсаткичлари							
13.	qSOFA ≥2 балл	68,0%	26,0%	2,62	6,22	Жуда юқори	3
14.	Ўртача qSOFA (M±m)	2,8±0,0 1	1,8±0,0 1	-	-	Ишонарли фарқлар	-
V. Лаборатор предикаторлар							
15.	СРО >30 мг/л	78,3%	22,0%	3,55	6,40	Жуда юқори	2
16.	Прокалцитонин >2,0 нг/мл	63,3%	8,0%	7,90	7,40	Жуда юқори	3
17.	Д-димер >1500 нг/мл	71,7%	26,0%	2,75	5,10	Юқори	2
18.	Лактат >2,0 ммол/л	50,0%	16,0%	3,12	4,41	Юқори	2
19.	pO ₂ <60 мм рт. ст.	75,0%	10,0%	7,50	22,50	Энг муҳим	3
20.	pCO ₂ >50 мм рт. ст.	63,3%	8,0%	7,90	15,80	Жуда юқори	3
21.	HCO ₃ ⁻ <22 ммол/л	20,0%	14,0%	1,43	2,10	Ўртача	1
22.	Калий <3,8 ммол/л	53,3%	12,0%	4,44	9,44	Жуда юқори	3

Тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми шаклланиши эҳтимоли 20% дан ошмайди.

Ўртача хавф (8-15 балл) - бу гуруҳ учун нейровегетатив ва гемодинамик бошқарувнинг қисман бузилишини кўрсатадиган бир нечта тизимли аломатларнинг (3-5 белги) мавжудлиги хосдир. Тахипноэ, гипертензив синдромнинг даврий эпизодлари, беқарор ҳарорат, ўртача гипертонус ва интоксикация белгилари кузатилади. Тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми эҳтимоли 20-49% ни ташкил этади, бу эса кучайтирилган клиник кузатувни, шунингдек, нафас олиш функциясини янада фаолроқ кузатишни талаб қилади.

Юқори хавф (≥16 балл) - Ушбу тоифадаги беморлар зарарланишнинг тизимли характерини намоён қилади, яъни респиратор, неврологик ва микроциркуляция бузилишларининг биргаликда учраши кузатилади. Бу ҳолатлар гипертонус, гипертензив

синдром ва бронхообструкция билан бирга кечади.

≥9 балл мавжудлиги ёки икки ва ундан ортиқ “учлик” белгилар аниқланиши тизимли яллиғланиш реакциясини эҳтимоли ≥50% эканлигини кўрсатади.

Бундай болаларда ҳаётининг функцияларни интенсив мониторинг қилиш, эрта босқичда респиратор қўллаб-қувватлашни бошлаш, прокалцитонинни кетма-кет аниқлаш, ҳамда инфузион терапияни ўтказиш талаб этилади.

ROC эгри чизиғи (n=110) қуйидагиларни кўрсатди: AUC=0,89±0,03 (95% ДИ: 0,83-0,95), оптимал чегара=8 балл, бунда моделнинг сезгирлиги 87,1%, ўзига хослиги - 78,0%, ижобий прогностик қиймат (PPV) - 84,6%, салбий (NPV) - 81,3% ни ташкил этди. Бу пневмония билан касалланган болаларда тизимли яллиғланиш реакциясини эрта аниқлаш учун шкаланинг юқори диагностик имкониятини кўрсатади.

Пневмония билан оғриган болаларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми ривожланишини прогнозлаш самарадорлигини таҳлил қилиб, ушбу усулни қўллаш тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми эрта ташхислашга ва тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми ривожланиш частотасини 2,5 бараварга камайтиришга ёрдам беради деган хулосага келдик. Болаларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми даволаш харажатлари давлат учун ўртача 1 болага 4 250 000 минг сўмни ташкил этади.

ХУЛОСА

1. Болалар ҳаётининг биринчи йилида пневмония билан касалланганда тизимли яллиғланиш реакцияси ривожланишининг энг аҳамиятли антенатал омиллари сифатида ҳомиладорлик даврида оналарда сийдик йўллари инфекциялари (НЭ=3,56), муддатидан олдин туғилиш (НЭ=3,56) ва ҳомиланинг бачадон ичи гипоксияси (НЭ=2,86); неонатал омиллар - эрта неонатал инфекция (НЭ=4,66), респиратор дистресс-синдром (НЭ=4,60), туғруқ залида ёки эрта неонатал даврда сунъий ўпка вентилляцияси қўлланилиши (НЭ=4,38) ҳамда туғилганда камвазнлик (НЭ=3,50); постнатал омиллар - тез-тез учрайдиган ЎРВИ (НЭ=3,44), марказий нерв тизимининг гипоксик-ишемик шикастланиши (НЭ=3,37) ва ҳаётнинг илк ойларида сунъий овқатлантириш (НЭ=2,50) каби омиллар шаклланади;

2. Бир ёшгача бўлган болаларда тизимли яллиғланиш реакцияси ривожланиши марказий асаб тизими, нафас олиш ва юрак-қон томир тизими, буйрақлар ва ошқозон-ичак трактига таъсир қилувчи эрта ва тез ривожланувчи тизимли дисфункция билан бирга келади. Нафас олиш, гемодинамика ва органлар функциясининг объектив параметрлари билан тасдиқланган яққол клиник бузилишларнинг мавжудлиги тизимли яллиғланиш реакциясининг белгиларини эрта

аниқлаш ва улардан касалликнинг оғирлигини прогноз қилиш мезонлари сифатида фойдаланиш зарурлигини таъкидлайди.

3. Бир ёшгача бўлган болаларда С-реактив оқсил (>30 мг/л), прокалцитонин (>2 нг/мл), Д-димер (>1500 нг/мл), лактат (>2 ммол/л) даражасининг ошиши пневмонияда тизимли яллиғланиш реакцияси ривожланиши ва кечиши оғирлигининг ишончли прогностик биомаркерлари ҳисобланади;

4. Пневмония билан асоратланган болаларда кислота-ишқор ҳолат қоннинг газ таркибининг яққол бузилиши билан тавсифланади - pO_2 нинг пасайиши ($45,37 \pm 3,47$ мм.сим.уст га нисбатан $92,4 \pm 2,8$ мм.сим.уст), pCO_2 нинг ошиши ($51,20 \pm 2,66$ мм.сим.уст га нисбатан $38,5 \pm 1,5$ мм.сим.уст) ва лактатнинг ошиши ($1,80 \pm 0,11$ ммол/л га нисбатан $1,10 \pm 0,10$ ммол/л), бу нафас олиш ва тўқималардаги кучайиб борувчи гипоксиясини кўрсатади. Бу ўзгаришлар HCO_3 нинг компенсатор силжиши ва электролит бузилишлари (K^+ , Ca^{2+}) билан бирга келади, бу эса буфер механизмларнинг етишмовчилиги ва ривожланаётган метаболик декомпенсациядан далолат беради. $pO_2 < 60$ мм сим. уст., $pCO_2 > 50$ мм сим. уст. ва лактат > 2 ммол/л чегаравий қийматлари юқори прогностик қийматга эга ва тизимли яллиғланиш реакцияси ривожланишининг ишончли лаборатор хавф мезонлари сифатида кўриб чиқилиши керак;

5. Тизимли яллиғланиш реакцияси эҳтимолини баҳолаш учун ишлаб чиқилган, статистик жиҳатдан ишончли бўлган интеграл клиник-лаборатор шкала, 22 та предикторни ва уларнинг ахамиятли коэффицентларини ўз ичига олган ҳолда, самарали диагностик восита ҳисобланади. Ушбу клиник модел (0–42 балл) юқори диагностик кўрсаткичларга эга ($AUC=0,93$) бўлиб, пневмониянинг оғир кечиш хавфини аниқ стратификация қилиш ва касалликнинг оғир ҳолатларини эрта аниқлашни таъминлайди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. DSc.06/2025.27.12Tib.02.04
ПРИ АНДИЖАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ
ИНСТИТУТЕ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЭРГАШЕВА МАДИНА НАРИМАНОВНА

КЛИНИКО-ЛАБОРАТОРНЫЕ КРИТЕРИИ ТЕЧЕНИЯ СИСТЕМНОГО
ВОСПАЛИТЕЛЬНОГО ОТВЕТА У ДЕТЕЙ ПЕРВОГО ГОДА ЖИЗНИ

14.00.09 - Педиатрия

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ

АНДИЖАН – 2026

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за №В2023.3. PhD/Tib3786.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном медицинском университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.adti.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель:

Алиева Нигора Рустамовна
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Абдужабарова Зулфия
Муратходжаевна, доктор медицинских наук, доцент.

Хакимов Шаробиддин Каримович
доктор медицинских наук, доцент.

Ведущая организация:

Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр педиатрии

Защита состоится «___» _____ 2026 г. в ___ часов на заседании Научного Совета DSc.04/07.06.2024.Tib.95.03 при Андижанском государственном медицинском институте по присуждению ученых степеней (Адрес: 170100, г. Андижан, ул. Ю. Атабекова, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50; e-mail: info@adti.uz, Андижанский государственный медицинский институт).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанского государственного медицинского института (зарегистрирована за №___). Адрес: 170100, г. Андижан, ул. Ю. Атабекова, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2026 года.

(реестр протокола рассылки № ___ от _____ 2026 года).

А. Ш. Арзикулов
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Ш. О. Тошбоев
Ученый секретарь научного совета по присуждению
учёных степеней, кандидат медицинских наук, доцент

О. А. Якубова
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
доктор медицинских наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Синдром системной воспалительной реакции считается одной из самых актуальных и сложных проблем современной медицины и относится к числу патологических состояний, сопровождающихся высокими показателями летальности. По данным Всемирной организации здравоохранения, ежегодно во всем мире около 11 миллионов пациентов умирают от осложнений, связанных с системной воспалительной реакцией, что составляет около 20% глобальных смертей. Эта проблема требует тесного и скоординированного сотрудничества врачей разных специальностей. При ранней диагностике синдрома системной воспалительной реакции и выборе лабораторных тестов для прогнозирования его развития особое внимание уделяется оценке состояния иммунной системы. В связи с этим изучение клинико-патогенетических особенностей синдрома системной воспалительной реакции и совершенствование методов ведения таких больных сохраняет свою теоретическую и практическую значимость.

В мировом масштабе активно проводятся исследования, направленные на изучение нарушений функций иммунной системы, развития септического процесса, степени выраженности эндотоксикоза, тяжести заболевания и возможных исходов. При высоком уровне микробной контаминации или наличии некоторых специфических особенностей возбудителей инфекции патологически избыточный выброс цитокинов в кровотоки может привести к угрожающему жизни состоянию. Наиболее тяжелым и неблагоприятным последствием является повреждающее действие цитокинов на систему кровообращения. Это состояние характеризуется развитием тромбозов, резким увеличением проницаемости микроциркуляторных сосудов, что приводит к уменьшению объема циркулирующей крови, снижению артериального давления и, в конечном итоге, глубоким нарушениям тканевой перфузии. Активация протеолитических ферментов, кроме того, приводит к развитию диссеминированного внутрисосудистого синдрома и некротическим изменениям в тканях. В результате развиваются полиорганная недостаточность и шок, которые могут привести к летальному исходу.

В нашей стране реализуются меры, направленные на развитие медицинской сферы, адаптацию системы здравоохранения к требованиям мировых стандартов, включая раннюю диагностику синдрома системной воспалительной реакции, изучение клинико-лабораторного течения и индивидуальную адаптацию с учетом прогнозирования развития осложнений. В связи с этим в качестве приоритетного направления Стратегии "Узбекистан-2030" определены такие задачи, как ..."сокращение материнской и детской

смертности, обеспечение здорового детства. Исходя из этих задач, изучение особенностей развития осложнений синдрома системной воспалительной реакции, разработка методов их профилактики и раннего выявления данного заболевания остается приоритетным направлением.

Данное диссертационное исследование служит реализации задач, определенных в постановлениях Президента Республики Узбекистан NoУП-5590 от 7 декабря 2018 года "О комплексных мерах по устойчивому совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан" и NoУП-60 от 28 января 2022 года "О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы," а также NoПП-216 от 25 апреля 2022 года "Об укреплении здоровья матери и ребенка в 2022-2026 годах," а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики V. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Вопрос синдрома системной воспалительной реакции у детей первого года жизни является одной из наиболее актуальных и широко обсуждаемых проблем в современной неонатологии и педиатрии. Хотя существуют исследования по пониманию патогенеза воспалительных реакций, особенности системной воспалительной реакции у детей первого года жизни до сих пор полностью не изучены. Это в основном связано с возрастной иммунной реактивностью, особенностями метаболизма и различиями в компенсаторных возможностях организма (Wynn J.L., Wong H.R., 2010). В научной литературе представлены различные сведения о диагностическом и прогностическом значении таких биомаркеров, как интерлейкины (IL-6, IL-8), фактор некроза опухоли (TNF- α), С-реактивный белок и прокальцитонин (Ng P.C., Lam H.S., 2012; Shane A.L. et al., 2017).

Однако динамика изменений этих показателей в организме детей раннего возраста и их клиническая значимость до конца не выяснены (Hotoura E. et al., 2012). В некоторых исследованиях отмечается, что системные воспалительные процессы у детей первого года жизни протекают быстро и тяжело из-за функциональной незрелости иммунной системы (Levy O., 2007). В то же время критерии ранней оценки риска развития сепсиса и полиорганной недостаточности до сих пор не имеют единого подхода (Goldstein B. et al., 2005). Существующие диагностические алгоритмы в основном разработаны для пациентов старшего возраста, и их полное применение к младенчеству считается ограниченным (Singer M. et al., 2016). Хотя в исследованиях изучалась

эффективность методов интенсивной терапии, антибактериальной терапии и иммунокорректирующей терапии, вопрос разработки индивидуальных патогенетических подходов у детей первого года жизни недостаточно освещен (Weiss S.L. et al., 2020).

В мире в последнее десятилетие внимание исследователей было сосредоточено на разработке критериев диагностики синдрома системной воспалительной реакции у взрослых, что привело к созданию международных классификаций и шкал (Singer M. et al., 2016; Шанкар-Хари М. и соавт., 2017). Однако эти критерии не в полной мере соответствуют детям первого года жизни, так как у них существенно различаются физиологические особенности систем гемопоеза, иммунной и эндокринной регуляции. Воспалительная реакция у детей первого года жизни характеризуется дисбалансом провоспалительных и противовоспалительных механизмов, низкой активностью фагоцитов, ограниченным синтезом цитокинов и снижением Т-и В-клеточной иммунной реактивности (Levy O., 2017). У таких детей клиническая картина часто атипична, лихорадка может отсутствовать, гемодинамические нарушения развиваются быстро, а лабораторные показатели имеют другие пороговые значения, чем у взрослых и детей старшего возраста (Wynn J.L., 2016).

Странами СНГ в последние годы опубликовано множество исследований, направленных на раннее выявление системной воспалительной реакции у детей раннего возраста. В этих исследованиях изучаются показатели С-реактивного белка (СРБ), прокальцитонина, интерлейкинов (ИЛ-6, ИЛ-8, ИЛ-10), фактора некроза опухоли α (TNF- α), а также показатели клеточного иммунитета и соотношение фракций нейтрофилов и лимфоцитов в крови (Шидловская Е.И. и соавт., 2021; Черемискин В.П., 2020). Вместе с тем, до настоящего времени не разработаны единые возрастные диагностические значения и клинико-лабораторные критерии для оценки течения синдрома системной воспалительной реакции у детей первого года жизни (Рубцов М. С., 2019). Проведен ряд научных исследований по вопросам синдрома системной воспалительной реакции, сепсиса и иммунной дисфункции у детей первого года жизни. В частности, изучены патогенетические механизмы воспалительных процессов у детей, цитокиновый дисбаланс и изменения в работе иммунной системы (Самсыгина Г.А., 2015; Володин Н.Н., 2012).

В нашей стране проведены научные работы по некоторым клинико-иммунологическим аспектам системных воспалительных процессов у детей. В частности, существуют исследования, направленные на изучение значения сепсиса, иммунодефицитных состояний и медиаторов воспаления у детей (Шамсиев А.М., 2018; Туйчиев Л.Н., 2020). В некоторых отечественных исследованиях

проанализированы течение инфекционных процессов, иммунологические показатели и эффективность антибактериальной терапии у новорожденных (Мухамедов И.М., 2019; Ходжиева Д.Т., 2021). Кроме того, данные о прогностической значимости некоторых биомаркеров до сих пор остаются спорными. Например, результаты ряда исследований показали, что уровень прокальцитонина обладает высокой специфичностью при выявлении бактериальной инфекции (Наврузова Ш. И., 2020; Валимухаметова И.Р., 2019). При этом повышение уровня С-реактивного белка (СРБ) и интерлейкина-6 (IL-6) может наблюдаться и при неинфекционных системных воспалительных реакциях, связанных с гипоксией, операционным стрессом или поствакцинальными реакциями. В связи с этим ряд ученых подчеркивают важность интегральной оценки биомаркеров с учетом тяжести состояния пациента и динамики лабораторных показателей (Махмудов О. С. и соавт., 2021).

Таким образом, хотя в педиатрии активно изучаются основные механизмы системной воспалительной реакции, клинико-лабораторные особенности ее течения у детей первого года жизни до конца не выяснены. Сохраняется необходимость разработки единых диагностических критериев, адаптированных к возрастным особенностям детей первого года жизни, а также создания прогностических шкал, позволяющих объективно оценить риск неблагоприятных осложнений и эффективность проводимой терапии.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Ташкентского государственного медицинского университета по теме "Разработка современных методов диагностики, лечения и профилактики" (2022-2025 гг.).

Цель исследования: разработать интегральные критерии раннего прогнозирования развития системной воспалительной реакции у детей в возрасте до одного года с пневмонией на основе комплексной оценки клинико-лабораторных и метаболических показателей.

